

Ўзбекистонда 5 босқичли оммавий спорт мусобақалари ўтказилади



“Маҳаллаларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори (ПҚ-201-сон, 11.04.2022 й.) қабул қилинди.

Қарор билан оилавий спортни рағбатлантириш мақсадида 2022 йилдан бошлаб ҳар йили футбол, мини-футбол, волейбол, енгил атлетика, шахмат, шашка, стол тенниси, стритбол, воркаут турлари бўйича 5 босқичли оммавий спорт мусобақалари ўтказилади.

- 1-босқичда – кўчалараро маҳалла мусобақалари;
- 2-босқичда – маҳаллалараро сектор мусобақалари;
- 3-босқичда – сектор мусобақаларида ғолиб бўлган маҳалла жамоалари ўртасида туман (шаҳар) мусобақалари;
- 4-босқичда – туман (шаҳар) мусобақалари ғолиб маҳалла жамоалари ўртасида вилоят мусобақалари;
- 5-босқичда – вилоят мусобақаларида ғолиб бўлган маҳалла жамоалари ўртасида республика (финал) мусобақалари.